

Беамал олим ҳам эҳтиромга лойиқ



10:00 / 29.06.2019 2982

Шайхул ислом, Муфтий Муҳаммад Тақий Усмоний ҳафизаҳуллоҳ айтадилар:

Ҳазрати Мавлоно Ашраф Али Таҳановий раҳматуллоҳи алайҳ айтадиларки, олим аслида илмига амал қилиши лозим. Лекин агар бирор олим илмига беамал бўлса ҳам, у илми сабабли сиз учун ҳурматга лойиқдир. Аллоҳ таъоло унга илм берган. Унинг даражаси бор. Ўша даража сабабли у эҳтиромга лойиқ бўлди.

Аллоҳ таъоло ота-она ҳақида шундай деди:

«Агар икковлари сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришга зўрласалар, бас, уларга итоат этма! Ва дунёда икковларига яхшилик қил...» (Луқмон сураси, 15-оят)

Агар ота-она кофир ва мушрик бўлсалар, у ҳолда куфр ва ширкда уларнинг айтганларига рози бўлма. Лекин дунёда улар билан яхши муомала қил. Чунки, уларга Аллоҳ таоло тарафидан ота-она бўлишлик шарафи ҳосил бўлган. Улар ўзлари эҳтиром ва таъзимга лойиқдирлар. Сенга уларни таҳқирлаш мумкин эмас. Худди шундай бир олим беамал бўлса ҳам, унинг ҳаққига: Эй, Аллоҳ! Унга солиҳ амалга тавфиқ ато қил деб дуо қилинг. Лекин унинг беамаллиги сабабли асло ҳақоратланганг. Ҳазрати Таҳановий раҳматуллоҳи алайҳ уламоларга хитоб қилаётиб айтар эдилар: Токи амал қилинмагунича қуруқ илм ҳеч нарса бўлмайди. Лекин шуни ҳам айтар эдиларки, менинг одатим шуки, олдимга бирор олим келса, гарчи у фалон гуноҳга мубтало деб менга у ҳақида маълум бўлишига қарамасдан, унинг илми сабабли уни ҳурмат қиламан ва унга иззат кўрсатаман.

«Ижтимоий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар» китобидан

Абдулқайюм Комил таржимаси